

НАЖМИДДИН КУБРО ТАЪЛИМОТИДА ТАСАВВУФ ВА ТАРБИЯ: ШАХС КАМОЛОТИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАР

Юнусхўжаев Мустафо

Урганч давлат университети таянч докторанти

Аннотация

Мақола Нажмиддин Кубронинг таълимотида тасаввуф ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлигини ва шахснинг камолоти ва маънавиятини шакллантиришдаги педагогик аҳамиятини таҳлил қилади. Шайх Нажмиддин Кубро, Ўрта асрларда Ўрта Осиёда нуфузли тасаввуфий мактаб асосчиси сифатида, инсоннинг ички дунёсини бойитиш ва маънавий юксалишга урғу берган. Ушбу мақолада Кубронинг асарларида кўрсатилган тарбиявий усуллар ва маънавий тарбиянинг ўқитувчилар ва тарбиячилар учун замонавий педагогик соҳада қўлланилиши мумкин бўлган тамойиллари муҳокама қилинади. Шунингдек, мақола Кубронинг тарбиявий таълимотларининг ҳозирги замон таълим ва тарбия жараёнларига таъсири ва аҳамиятини урганади.

Калим сўзлар: Нажмиддин Кубро, тасаввуф, педагогика, маънавий тарбия, шахс камолоти, Ўрта Осиё, тарбиявий усуллар, маънавият, таълим.

Мутасаввиф ҳаёти ва ижодини ўрганишнинг услубий жиҳатлари Шарқ Исломи дунёсининг улуғ сиймоларидан бири, буюк авлиё, шайх, сўфийликнинг дунёга машҳур вакилларида бири, кубровийлик тариқатининг асосчиси Нажмиддин Кубронинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакӣ ал-Хоразмийдир. Унинг куня (лақаб)лари - "Нажмиддин" ("Диннинг юлдузи"), "Кубро" ("Улуғ"), "Абулжанноб" ("Дунёдан четлаштирилади, парҳез этувчи") ва "Валийтарош" ("Валийларни тарбияловчи")

Нажмиддин Кубро Хива (Хоразм)да туғилган (1145 й.). Ёшлигиданок ҳадис ва каломни ўрганади. Сўнгра илм истаб Мисрга боради ва у ерда Шайх Рузбехон Ваззон ал-Мисрийдан таълим олади. Устозининг ишончи ва хурматини қозониб, унинг қизига уйланади. Кейинчалик ўз илмини янада чуқурлаштириш мақсадида Табриз, Ҳамадон, Дизфулга келиб, илоҳиётдан сабоқ олади. Мисрга қайтгач, Рузбехон Кубро илму маърифатга тўла инсон бўлиб етишди, деб ҳисоблайди ва унга ўз ватанига қайтишни маслаҳат беради. Кубро Хоразмга келгач (1185 й.), хонақоҳ куради ва ўз ирфоний мактабини яратади. Кубронинг шогирдлари орасидан тасаввуфнинг таниқли назариётчилари, сўфийлик бўйича мумтоз адабиёт намояндлари етишиб чиқади. Кубро мўғул босқинчиларига қарши жангда шаҳид бўлгач (1221 й.), уни Кўхна Урганчга дафн этганлар.

Кубровийлик эса, тасаввуфнинг машҳур тариқати сифатида XIII аср бошларида Хоразмда Шайх Нажмиддин Кубро асос солгандан сўнг узоқ йиллар дунёнинг турли ўлкаларида фаолият кўрсатиб келди. Кубровия тасаввуфнинг айнан Ўрта Осиёдаги мактаби бўлиб, маънавий ворислик занжири Маъруф Ал-Кархий (816 йили вафот этган) орқали ҳазрати

Абу Бакр С ёки ҳазрати Али ибн Абу Толибга бориб тақалади. Кубровийликда тариқат аъзоларининг ягона ташкилий тизими бўлмаган. Уларни Кубро томонидан ишлаб чиқилган таълимотнинг руҳи ва мақсади бирлаштириб турган.

Кейинчалик, Шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Бохарзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталган эди. Кубровия тариқати XVIII асрнинг охирларигача кенг тарқалди. Унинг аъзолари Нажмиддин Кубро таълимоти ва ғояларини то Хитойнинг Ғарбий чегараларига қадар ёйдилар. Кейинчалик кубровийликнинг бир неча мустақил шаҳобчалари пайдо бўлди. Улар фирдавсия, нуриа, рукниа, ҳамадония олия, иғтишоҳия, заҳабия ва нурбахшия.

Асосий чизгилари юқоридагилардан иборат бўлган Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва тариқати ҳақида аниқ ва изчил маълумотларни жамлаб берувчи яхлит бир асар йўқ. У ҳақидаги аксарият манбаларнинг кўп қисми эса агиографик (манқаба-manoқиб) ёки тазкира (антология) характеридаги асарлардир. Жумладан, унинг ҳаёти, тасаввуфий силсиласи ва айрим кароматлари ҳақидагина қисқача маълумот берувчи бундай манбалар Шарқ мумтоз ва тасаввуф адабиётида кўплаб учрайди.

Масалан, Дорошукухнинг "Сафинатул-авлиё", Ризоқулихон Ҳидоятнинг "Риёзул-орифин", Мавлавий Ғулом Сарвар Соҳиб Лохурийнинг "Ҳазинатул-асфийё", Ҳожи Халифанинг "Тухфатул-фуқаҳо", Абдурахмон Жомийнинг "Нафаҳотул-унс", Алишер Навоийнинг "Насойимул-муҳаббат", Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкиратуш-шуаро", Ҳамидуллоҳ Қазвинийнинг "Тарихи гузида", Камолиддин Ҳусайн Фаноийнинг "Мажолисун-ушшок", Мавлоно Минҳожиддиннинг "Табақоти Носирӣ" каби асарларда Шайх Нажмиддин Кубронинг биографияси ва тариқатига оид баъзи маълумотлар келтирилган.

Мисол учун, Абдурахмон Жомий (1414-1492) қаламига мансуб, тасаввуф арбобларига бағишланган, машҳур асар "Нафаҳотул-унс мин ҳазаротул-қудс" (Пок зотлар ҳузуридан эсан дўстликнинг ёқимли ислари)да айрим шайхларга нисбатан Нажмиддин Куброга кўпроқ ўрин ажратилган (6 саҳифа)". Шунингдек, бу манбада Нажмиддин Кубро ҳақида тўхталишдан аввал унинг устоз (муршид-пир)лари Шайх Аммор Ёсир, Шайх Рузбехон Мисрий ва Шайх Исмоил Қасрий ҳақида тўхталинган. Лекин улар ҳақидаги маълумотлар Нажмиддин Кубро тўғрисида берилган маълумотлардан анча оз (улар ярим, бир саҳифа атрофида). Нажмиддин Кубро ҳақидаги саҳифалардан¹ сўнг унинг шогирд (мурид)лари Шайх Маждиддин Бағдодий, Шайх Саъдиддин Хумулий, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Жамолиддин Гилий ва Бобо Камол Жандий ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган.

Худди шу каби ҳолатни, Алишер Навоийнинг (1441-1501) авлиёлар ҳақидаги тазкираси "Насойимул-муҳаббат мин шамойимул-футувват" (Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари) номли асарида² ҳам кўриш мумкин. Унда ҳам Нажмиддин Кубродан аввалги ва кейинги бошқа шайхларга Нажмиддин Куброга нисбатан анча оз ўрин ажратилган.³ Яна, Жомий тазкирасида берилган Нажмиддин Кубронинг устозлари ва шогирдларининг матн сирасидаги кетма-кетлик Навоий асарида ҳам айнан сақланган.

Бу жиҳатдан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўрта асрларда тасаввуф бўйича асар ёзган кўпчилик муаллифлар, Шайх Нажмиддин Кубро шахсиятига алоҳида эътибор берганлар. Шу билан бирга Нажмиддин Кубронинг бу даражада улуғ тасаввуф арбоби бўлиб етишишига сабаб бўлган устоз ва унинг таълимотини давом эттирган шогирд авлиё зотлар ҳақида ҳам

¹ Абдурахмон Жомий. Нафаҳотул-унс. "Тошкент: Порцев матбааси, 1915 йил. 400-406-саҳифалар.

² Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. 20 томлик. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. Тошкент: Фан, 2001.

³ Алишер Навоий. Ўша асар, 287-292-бетлар.

маълумотни йўл йўлакай беришга интиланлар. Бу эса ўз навбатида Нажмиддин Кубро шахсияти ва таълимоти ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилгандир.

Нажмиддин Кубро ҳаёти, фаолият ва унинг ишларини ўрганиш бўйича кўплаб тажриба амалга оширилган. Бу тадқиқотларни мазмун- моҳиятига кўра шундай туркумларга бўлиш мумкин:

1. Нажмиддин Кубро ҳаётини ўрганиш бўйича тадқиқотлар;
2. Нажмиддин Кубронинг асарлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар;
3. Нажмиддин Кубронинг тасаввуфий таълимоти юзасидан амалга оширилган тадқиқот ишлари.

Умуман олганда, Нажмиддин Кубро ва кубровийликни ўрганиш ишлари Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, хусусан 1995 йилда буюк алломанинг 850 йиллик таваллудини кенг миқёсда ўтказиш билан амалга ошди, дейилса хато бўлмайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, аксар тадқиқотчилар ҳам биринчи, ҳам иккинчи туркумга ўз тадқиқотларида эътибор берганлар. Бу каби тадқиқотларга академиклар Э.Юсупов⁴ ва А.Қаюмов⁵, профессорлар Н.Комилов⁶, А.Ш.Жузжоний⁷, О.Усмонов⁸, Ҳ.Ҳомидий⁹ 26, И.Ҳаққул¹⁰, фан номзодлари О.Бўриев¹¹, Ҳ.Исломи¹² 29, М.Қодиров¹³, Э.Очилов¹⁴, ҳамда тадқиқотчилар Н.Жабборов, С.М.Косоний ва А.Бектош ишларини киритиш мумкин.

Юқорида ажратилган учинчи туркумга оид бир неча тадқиқот ишлари ҳам асосан истиклолдан кейин юзага келди. Юқорида санаб ўтилган Э.Юсупов, Н.Комилов, А.Ш.Жузжоний, О.Усмонов ва И.Ҳаққул каби олимларнинг тадқиқот, рисола ва мақолалари билан бирга айрим бошқа тадқиқот намуналари, ёш тадқиқотчилар томонидан амалга оширилди. Мисол учун, "Маърифат юлдузи (Шайх Нажмиддин Кубро ҳаёти ва илмий-маърифий мероси ҳақида мақолалар тўплами)" (Урганч, 1997), "Кубровия таълимоти ва шахнинг маънавий камолоти масалалари" (Урганч, 2003)³⁶ ва "Хоразмда тасаввуф фалсафасининг вужудга келиши ва ривожланиш хусусиятлари" (Урганч, 2007)³⁷ мавзуларидаги анжуман материаллари орасидаги ишларни келтириш ўринли бўлади.

⁴ Э.Юсупов. Нажмиддин Кубро мероси ва тасаввуф тарикати ҳақида айрим мулоҳазалар/ Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро. (Мақолалар.) –Тошкент: Ёзувчи, 1995. 4-14-бетлар.

⁵ А.Қаюмов. Нажмиддин Кубро тўғрисидаги қиссанинг яна бир қўлёзмаси ҳақида / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро. (Мақолалар.) Тошкент: Ёзувчи, 1995. 48-54-бетлар; Яна ўша муаллиф. Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр. Тошкент, 1998. 3-15- бетлар; Яна ўша муаллиф. Қиссадан ҳисса. Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр. -Тошкент, 1998. 81-84-бетлар; Яна ўша муаллиф. Кубро қиссасида Хоразм тарихи лавҳалари. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр.-Тошкент, 1998. 84-124-бетлар. 22 Н.Комилов. Тасаввуф тарикатидаги янги йўналиш. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр.-Тошкент, 1998. 84-124-бетлар.

⁶ Н.Комилов. Тасаввуф тарикатидаги янги йўналиш. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро. (Мақолалар.) - Тошкент: Ёзувчи, 1995. 27-31-бетлар; Яна ўша муаллиф. Нажмиддин Кубро. (Рисола.) /Китобда: Тасаввуф. 2-китоб. Тавҳид асрори. Тошкент: Адабиёт ва санъат ҳамда Ўзбекистон, 1999. 151-188-бетлар.

⁷ А.Ш.Жузжоний. Шайх Нажмиддин Кубро ватанпарварлик рамзи. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро. (Мақолалар.) - Тошкент: Ёзувчи, 1995. 38-47-бетлар; Яна ўша муаллиф. Нажмиддин Кубронинг қарашлари ва асарлари / Китобда: Тасаввуф ва инсон. Тошкент: Адолат, 2001. 61-104-бетлар.

⁸ О.Усмонов. Шайх Нажмиддин Кубро ва кубровия тарикати ҳақида. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро. (Мақолалар.) - Тошкент: Ёзувчи, 1995. 15-26-бетлар; Яна ўша муаллиф. Муносиб армуғон. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр. -Тошкент, 1998. 124-126-бетлар.

⁹ Ҳ.Ҳомидий. Нажмиддин Кубро. / Китобда: Тасаввуф алломалари. Тошкент: Шарқ, 2004. 124-128-бетлар.

¹⁰ И.Ҳаққул. Шайхлар ва шаҳидлар куброси. / Китобда: Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Тошкент: Мовароуннахр, 2004. 3-30-бетлар.

¹¹ О. Бўриев. Нажмиддин Кубро яшаган давр ҳақида. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро. (Мақолалар.) - Тошкент: Ёзувчи, 1995. 55-59-бетлар; Яна ўша муаллиф. Нажмиддин Кубро яшаган даврда Хоразмдаги сиёсий ва маданий ҳаёт. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр. -Тошкент, 1998. 29-57-бетлар.

¹² Ҳ.Исломи. Нажмиддин Кубро. Урганч, 1995; Яна ўша муаллиф. Нажмиддин Кубронинг ҳаёт йўли. / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр, Тошкент, 1998. 57-80-бетлар

¹³ М.Қодиров. Нажмиддин Кубро ва унинг "Одоб уз-зокирин" рисоласи / Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро кутби даҳр. Тошкент, 1998. 127-157-бетлар, Шайх Нажмиддин Кубро. Шарҳи рисолаи одоб уз-зокирини.

Таржимон: М.Қодиров. Урганч: Хоразм, 1997. 11

¹⁴ Э.Очилов. Нажмиддин Кубро. / Китобда: Муҳаббат тароналари. Рубойилар. Тошкент: Шарқ, 2005. 171- 178-бетлар. Ўша муаллиф. Хақиқат асрори./Китобда: Муборак сарчашмалар.-Тошкент: Ўқитувчи, 1997.-39- 70 б.

Саналган олимларнинг илмий тадқиқотлари билан бир қаторда куброшуносликда ўзига хос адабий-бадий изланишлар ҳам кўзга ташланади. Масалан, Кубро рубойларини таржима қилган М.Абдулҳакимнинг рубой шарҳларига бағишланган рисоласи” ва Х.Давроннинг "Шаҳидлар шоҳи” номли тарихий- маърифий қиссасини келтириш ўринли бўлади.

Умумий равишда, ушбу мавзу юзасидан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, Нажмиддин Кубронинг ҳаёти ва фаолияти, тасаввуфий таълимоти ва тариқати Ўзбекистон мустақиллигидан сўнггина кенг планда, атрофлича тадқиқот этила бошланди. Ва бу соҳада эътироф этишга арзигулик ютуқлар ҳам қўлга киритилди. Нажмиддин Кубронинг биографияси, асарлари ва тариқатининг тармоқлари ҳақида кўплаб маълумотлар олимларимиз томонидан тўпланиб, тадқиқ этилди.

Лекин, биз тадқиқ этаётган “Нажмиддин кубронинг педагогик қарашлари ва шахс тарбияси” мавзуси доирасида эса шу кунга қадар аниқ ва изчил тадқиқот ишлари амалга ошган эмас. Шу жиҳатдан Нажмиддин Кубро таълимотининг шахс тарбиясида инсонпарварлик ва ватанпарварлик жиҳатларини педагогик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиш кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдурахмон Жомий. Нафаҳотул-унс. “Тошкент: Порцев матбааси, 1915 йил. 400-406-саҳифалар.
2. Алишер Навоий. Насойимул-мухаббат. 20 томлик. Мукамал асарлар тўплами. 17-том. Тошкент: Фан, 20013
3. Э.Юсупов. Нажмиддин Кубро мероси ва тасаввуф тариқати ҳақида айрим мулоҳазалар/ Китобда: Шайх Нажмиддин Кубро. (Мақолалар.) –Тошкент: Ёзувчи, 1995. 4-14-бетлар.